

НИКОТИН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК УЧУН НИСБИЙ ХАВФИНИ БАҲОЛАШ АСОСИ

Азимова Наргиза Равшановна

Фарғона давлат университети

E-mail: azimovan.ravshanovna@gmail.com

Аннотация: Мақолада тамаки тутуни кимёвий таркибининг зарарли оқибатлари, саратон касалликларининг пайдо бўлиш эҳтимоллари, тамаки таркибидаги никотиннинг миқдорини назорат қилиш ва саломатлик учун нисбий хавфини баҳолашнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Тамаки маҳсулотлари, тамаки тутуни, сигарет, трубкали тамаки, тутунсиз тамаки, чайналадиган тамаки, электрон сигарета, оддий сигарета, швед снюси, концероген таъсир.

THE BASIS FOR ASSESSING THE RELATIVE HEALTH RISK OF NICOTINE PRODUCTS

Abstract: The article discusses the harmful effects of the chemical composition of tobacco smoke, the likelihood of cancer, the importance of controlling the amount of nicotine in tobacco and assessing its relative health risk.

Keywords: Tobacco products, tobacco smoke, cigarettes, pipe tobacco, smokeless tobacco, chewing tobacco, electronic cigarette, regular cigarette, Swedish snus, carcinogenic effect.

Тамаки чекиш бутун дунё бўйлаб олдини олиш мумкин бўлган касалликлар ва эрта ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда бутун дунёда истеъмол қилинаётган тамаки маҳсулотларининг

асосий шакли - бу чекиладиган (сигарет, трубкали тамаки), шунингдек чекилмайдиган (тутунсиз) маҳсулотларнинг навларидир (чайнайдиган тамаки). Сўнги ҳисоб -китобларга кўра, тамаки чекиш истеъмолчиларининг ярмидан кўпининг ўлимига сабаб бўлади ва ҳар йили 8 миллион эрта ўлим ҳолатларига олиб келади. Тамаки маҳсулотларининг соғлиқ учун хавфи уларнинг кимёвий таркибига боғлиқ. Тамаки тутунида 7000 дан ортиқ кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, улардан 250 таси зарарли, 69 таси саратон касаллигини келтириб чиқаради. Чекувчилар ҳар сафар тутунни ютганда бу захарли моддаларни таъсирга тўғридан-тўғри, чекмайдиганлар эса пассив чекиш орқали дучор бўлади. Токсинлар таъсир қиладиган асосий жойлардан ташқари (оғиз, томоқ ва ўпка тўқималари), токсинларнинг қонга сингиши бошқа органларга ҳам таъсир қилиши мумкин. Тамаки маҳсулотларининг токсик хусусиятлари кўплаб илмий тадқиқотлар билан исботланган ва шунинг учун соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан тамаки маҳсулотларидан фойдаланиш кенг қораланади. Хужжатли тадқиқотларга қарамай, дунё аҳолисининг тахминан 20% ўз хоҳиши билан тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни давом еттирмоқда. Истеъмол хулқ-атвор хусусиятлари, генетика, ижтимоий муҳит ва никотинга қарамлик ўртасидаги мураккаб муносабатлар туфайли юзага келади. Чекишни ташлашга тўсқинликлар инсонларни яшаш жойларига кўра турлича бўлади. Кам ва ўртача даромадга эга мамлакатларда тамакини соғлиққа хавфи тўғрисидаги хабардорлик даражаси анча паст бўлади, ривожланган мамлакатларда эса кўплаб тамаки истеъмолчилари соғлиқ учун хавф ҳақида билишади ва чекишни ташлашга интилишади, никотинга қарамлик билан курашишади.

Никотинни инсон организмига киритиш 1950 йиллардан бошлаб муҳим янгиликларга айланди. Шундай қилиб, ривожланиш давом этар экан, чекиш маҳсулотлари билан чиқадиган токсинларнинг организмга таъсирини сезиларли даражада камайтирадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқилди. Янги авлод маҳсулотларига электрон никотин етказиб бериш тизимлари (ЭНЕБТ), электрон

сигареталар, снюс ва никотин ўринбосарли терапия киради. Илмий адабиётларда тамаки маҳсулотларининг истеъмолчилар саломатлигига зарарли таъсирини тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд ва бу соғлиқни сақлаш тизимлари томонидан кенг эътироф этилган. Шу билан бирга, никотинли маҳсулотларнинг тўлиқ ассортименти билан, айниқса, кейинги авлод маҳсулотларининг соғлиқ учун хавфлари тўғрисида илмий консенсус мавжуд эмас.

Бугунги кунга келиб, илмий адабиётларда чоп этилган учта тадқиқот маълум параметрлар ва методологиялар асосида никотинли маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида касалликларнинг ривожланиш хавфи шкаласини беради. Масалан, 2014 йилда *D.Nutt* ва бир гуруҳ тадқиқотчилар никотинни ўз ичига олган маҳсулотларнинг зарарли томонлари ҳақида ҳисобот эълон қилишди. Тадқиқот 12 та никотин сақлаган маҳсулотини 0 дан 100 гача 14 мезон асосида баҳолаган халқаро экспертлар гуруҳини тузди. Бу тадқиқот Англия жамоат соғлиқни сақлаш хизмати (Public Health England, PHE) электрон сигаретининг "оддий сигаретага қараганда 95% камроқ зарарли" деган даъвосига асос бўлди. 2018 йилда *D.Abrams* ва ҳаммуаллифлар, *D.Nutt* тадқиқотининг натижаларига асосланиб, никотин маҳсулотларининг кўп ўлчовли тузилиши бўйича нисбий зарарланишининг сифатли таҳлилинини эълон қилишди, улар уч ўлчовдан иборат: боғлиқлик, захарлилик ва жозибадорлик. Муаллифлар швед снюсини "олтин ўрталик" - танага энг кам зарарли таъсир кўрсатадиган, етарлича жозибали ва етарли даражада никотин етказиб берадиган маҳсулот деб таърифлайдилар. Ниҳоят, 2018 йилда *W.Stephens* томонидан чоп этилган ва Калифорния атроф-муҳит саломатлиги хавфини баҳолаш бошқармаси (ОЕННА) билан биргаликда ёзилган учинчи тадқиқот никотин маҳсулотларини тамаки тутунининг канцероген таъсири нуқтаи назаридан миқдорий баҳолайдилар. *W.Stephens* тамаки тутунидан саратон ривожланиш хавфи никотин ингаляторига (*Nicotine inhaler*) қараганда 2500; электрон никотин етказиб бериш тизимларидан 64 марта, электрон

сигаретлардан эса 10 баравар юқори еканлигини ҳисоблаб чиқди. Шундай қилиб, юқоридаги тадқиқотлар никотин маҳсулотларининг саломатлик учун нисбий хавфини баҳолаш учун асос яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Nutt D.J., Phillips L.D., Balfour D., et al.: Estimating the harms of nicotine-containing products using the MCDA approach. *Eur Addict Res.* 2014; 20(5):pp. 218–225.

2. Stephens W.E.: Comparing the cancer potencies of emissions from vapourised nicotine products including e-cigarettes with those of tobacco smoke. *Tob Control.* 2018; 27(1):pp.10-17.